

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК:668.562:338.45:67/68

Умаров Алишер Абдурашидович

**ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТ
ҲАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

(“ARITEKS” МЧЖ мисолида)

5A230201 Менежмент (реал сектор)

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: проф. Н.Йўлдошев

Тошкент – 2019


Ушбу диссертация ишида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий ва назарий асослари ўрганилган. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда экспорт салоҳиятини ошириш усуллари ва экспортни тартибга солиш хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, “APITEKS” МЧЖда экспорт салоҳияти ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича амалий аҳамиятга эга таклифлар ишлаб чиқилган.

The paper presents the scientific and theoretical basis of state regulation of foreign economic activity. Importance of increasing export potential methods and features of export regulation in ensuring the competitiveness of the national economy. The analysis of the export potential “APITEKS” LLC, identified constraints and developed meaningful insights and suggestions for improving the export potential.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки химоядан ўтган.

13 - сонли баённома «18» май 2019 й.

Кафедра мудири Н.Қ.Йўлдошев


имзо сана

Илмий раҳбар: Н.Қ.Йўлдошев


имзо сана

Такризчи: М.Ғ.Умарходжаева


имзо сана

Магистрант: А.А.Умаров


имзо сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I.БОБ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1.Иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади ва вазифалари.....	9
1.2. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг мазмун-моҳияти ва уни миллий иқтисодиёт экспорт салоҳиятини оширишдаги аҳамияти.....	13
1.3. Экспортни тартибга солишнинг усуллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	19
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	24
II.БОБ. ЎЗТЎҚИМАЧИЛИК УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ	26
2.1. Енгил саноат корхоналарга экспорт операцияларини тартибга солиш механизми таҳлили.....	26
2.2. Енгил саноат тармоғи экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган имтиёз ва преференцияларининг амалдаги ҳолатини баҳолаш.....	40
2.3. Енгил саноат корхоналарининг экспорт салоҳияти самарадорлигини оширишда инвестицион кредитларнинг таҳлили.....	49
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	51
III.БОБ. ЕНГИЛ САНОАТ ТАРМОҒИДА ЭКСПОРТ ХАЖМЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	61
3.1. Енгил саноат тармоғининг экспорт салоҳиятини янада оширишга таъсир этувчи омиллар ва инвестицияларни жалб қилишнинг истикболли йўналишлари.....	61
3.2.Экспорт таркибини диверсификациялаш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг истикболли йўналишлари.....	75
3.3. Мамлакатимизда экспорт операцияларини янада ривожлантириш йўналишлари.....	79
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	84
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги.

Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш орқали унинг рақобатбардошлигини янада ошириш бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган ислохотлар шароитида миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “...экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоклари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш лозим” лигига тухталиб ўтди¹. Ҳукумат, вазирлик ва идоралар олдида ҳар бир ҳудуд учун устувор тармоқларни аниқлаш, табиий-хомашё ресурсларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, саноат ишлаб чиқаришини, айниқса, қайта ишлаш тармоклари, хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини тезкор ва мувозанатли ривожлантиришни ҳудудларни тармоқлар билан узвий боғлаган ҳолда комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилмоқда.

Хусусан, бу борада мамлакатимиз Президенти қўйидаги фикрларни таъкидлаб ўтдилар, “Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, Ўзбекистон 2017 йилда 13,9 миллиард долларлик товар ва хизматларни экспорт қилди. Бу эса 2016 йилдагига нисбатан 15,4 фоизлик ўсишни кўрсатади (11,1 миллиард доллар). Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 945,5 миллион доллардан ошди.

¹ Мирзиёев Ш.М. .2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони